

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури



«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЗРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ҲАВАС ҚИЛИШГА АРСИЙДИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жаи Дев АГАРВАЛ,
Хиндистон молия институти раҳбари, профессор,
«Finance India» журнали бош муҳаррири:

— Юртингизга кўп бор келганман. Ҳар гал шаҳарлар янада чирой очиб, инфратузилма тобора ривожланиб бораётганига, аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратилаётганига гувоҳ бўламан. Масалан, бу ерга 2010 йилнинг ёзида ҳам ташриф буюргандим. Қаранг, орадан қарийб икки йил ўтди. Ўзгаришлар эса бир олам. Бу, аввало, мамлакатдаги тинчлик ва оқилоллик билан боғлиқ.

Ўзбекистондаги ўнга яқин олий таълим даргоҳлари фаолияти билан яқиндан танишиб, маърузалар қилганман, профессор ва ўқувчилар, талабалар билан дилдан суҳбатлашганман. Ана шу жараёнда юртингиз ёшларининг ақл-салоқати, эҳси, интеллектуал саноҳияти мени қўйил қолдирган. Уларга яратиб берилган қўлайликлар эса ҳавас қилишга арсийди. Дарвоқе, 2004 йилда менга Тошкент молия институти томонидан фахрий докторлик унвони ҳам берилган. Бундан жудама гурурланаман.

Бугунгача АКШ, Буюк Британия, Германия, Швеция, Швейцария каби 60 дан зиёд давлатда бўлдим. Молия соҳасига оид 120 дан зиёд китоб, 300 дан кўпроқ илмий мақола ёздим, 600 дан ортиқ халқаро анжуманларда ўш маърузаларим билан қатнашдим. Тошкентда бошланадиган халқаро конференция эса мен учун алоҳида аҳамиятга эга.

Тетсуджи ТАНАКА,
Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти директори (Япония):

— Биласиз, жуда кўп давлатларда ота-оналар ўғил-қизлари таълим-тарбияси учун оила бюджетидан жуда катта миқдорда маблағ сарфлашади. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам имконият бир хилда эмас. Яъни, кимнингдир бунга қурби етади, кимникидир эса йўқ. Натихада ушбу жиҳат ўз-ўзидан саводхонлик даражасига таъсир ўтказиши мумкин. Маълумотларга кўра, дунё бўйича умумий саводхонлик даражаси 30-40 фоизни ташкил этади, атғи 30 га яқин мамлакатда эса бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик кўрсаткичи қарийб 100 фоизга тенг экан. Англашиладики, мамлакатда таълим тизими изчил йўлга қўйилган.

Яқинда Президент Ислоом Каримовнинг 2011 йил яқунларига бағишланган маърузаси билан танишиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Эътибор беринг: энг замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилибди ва реконструкция қилинибди. Шунингдек, 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилибди. Бу катта куч ва маблағ талаб қиладиган юмуш. Умуман, Ўзбекистоннинг таълим-тарбия тизимига оид бизни қизиқтирган жиҳатлар жуда кўп. Ўйлай-

манки, халқаро конференция давомида бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўламиз.

Валерий НИКИФОРОВ,
Болтиқ халқаро академияси бошқаруви раиси (Латвия):

— Юртингиз қадимда Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган давлат сифатида барчага маълум ва машҳур бўлган. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ушбу мақомини қайта тиклади. Бугунги кунда мамлакат ёшларининг математика, кимё, биология, физика каби фанлар бўйича ўтказилаётган халқаро олимпиадалар, мусика фестиваллари, спорт мусобақаларида қатор ютуқларга эришиб келаётгани эътиборлидир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган миллий стратегия асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аёнки, мазкур дастур темир йўл, ҳаво йўллари, логистика каби мамлакат ривожига асосий ўрин тутадиган йўналишларда юқори малакали кадрлар тайёрлашни ҳам ўз ичига олган. У муваффақиятли ишлаб келмоқда. Ҳозир Ўзбекистонлик ёшлар «Талго», «Боинг», «Эйрбас» каби илғор техника воситаларини бошқармоқда, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, Ангрен логистика маркази раванқиға ҳисса қўшмоқда, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган автомобиллар ва уларнинг мураккаб эҳтиёт қисмларини юқори сифатда тайёрлашда иштирок этмоқда. Булар таълим жабҳасида олиб борилаётган ислохотлар асоси мустаҳкам ва пухта эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Ю МИ ХА, Сангшин тиббий таълим жамғармаси президенти (Жанубий Корея):

— Авваламбор, мана шундай бетакрор табиати, меҳмондўст халқи, юксак иқтисодий-ижтимоий ютуқлари билан дунёга танилган диёрда меҳмон бўлиб турганимдан жуда хурсандман. Кўтаринки кайфият билан меҳмонхонага жойлашдик. Барча турдаги замонавий сервис хизматидан баҳрамандимиз. Буларнинг бари иштирокчиларнинг халқаро конференцияга юқори даражада тайёргарлик кўришлари ва унда муносиб иштирок этишлари учун айни мўдадоир. Мазкур йилриқ ҳамда нуфузли тадбир ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликни ривожлантириш, энг муҳими, мамлакатингиз таълим моделини яқиндан ўрганиш имкониятини бериши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Юртингизда давлатингиз раҳбари раҳнамолигида ушбу соҳага «Таълим-тарбияга эътибор — келажакка эътибор» таъминли асосида алоҳида ёндашилмоқда. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатлангани бунга бир мисолдир.

«Халқ сўзи» муҳбирлари Шавкат ОРТИКОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзм олди.

БАРКАМОЛ АВЛОД

Ватанимиз равнақи, юртимиз тараққиётининг суянчи ва таянчидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўқув масканида 2600 нафардан зиёд ўғил-қиз ўзбек ва рус тилларида таълим олади. Иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис мактабда фан олимпиадалари, билимлар синови, шунингдек, санъат ва спорт йўналишларидаги турли кўрик-танловларда муваффақиятли натижаларни кўлга киритаётган иқтидор соҳиблари кўпчилигини ташкил қилади. Устозларнинг қайд этишича, бу ўқувчилар орасида кўпроқ аниқ фанлар ва чет тилларини ўрганишга қизиқиш кучли экан. Табиийки, ютуқлар ҳам шунга монанд.

— Яқинда инглиз тили бўйича республика фан олимпиадасининг туман босқичида иштирок этиб, биринчи ўринни кўлга киритдим, — дейди битирувчи синф ўқувчиси Нажмиддин Жамолидинов. — Устозим Юлия Жума-

ниёзовнинг ёрдами билан тўрт йилдан буён инглиз ва рус тилларини чуқур ўрганишга интиляман. Келажакда бизнес соҳаси билимдони бўлишни орзу қилганим учун чет тилларини пухта ўзлаштиряман. Чунки бизнесмен уч-тўрт хорижий тилни билмаса, ишда муваффақиятларга эришиши қийин.

Эътиборлиси, мактабда умумтаълим фанларидан сабоқ берилиши билан бирга, ёшларнинг касб-хунарга бўлган қизиқишини рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётган. Бу, айниқса, битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

— Ўқувчиларимиз дарсдан бўш вақтда турли йўналишдаги тўғра-ракларга жалб этиладилар, — дейди ўқув маскани директори Гавҳар Зухуроова. — Илм-фан, хунар, санъат, спорт ва техникага ихтисослаштирилган ушбу тўғрақларда ҳар бир боланинг касб танлаш маданияти шакллани-

тириб борилади. Кейинги галда

эса академик лицей ва коллежалар билан тузилган шартномага мувофиқ, ўқувчиларни Очиқ эшиклар куни тадбирлари ва турли мутахассислик кўргазмаларига олиб борамиз. Шундан сўнг битирувчилар келгусида ўзлари тахсил олмоқчи бўлган коллеж ёки лицей ҳақида аниқ маълумотга эга бўлган ҳолда қўшимча дарс соатларига қатнайдилар.

Сир эмаски, ёшларнинг илмга қизиқишини ошириш уларни дарс машғулотига жалб этишдан бошланади. Ўқитувчининг таълим бериш услуби ноанъанавийликка асосланса, сабоқлар қизиқарли бўлса, дарслар яхши ўзлаштирилиши табиий. Бугун мактаб жамоаси ана шундай натижага эришиши йўлида изланмоқда. Зеро, келажак воқисларнинг камолотга етишишида бу каби изланишлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўқитувчи эканлигимдан фахрланаман

Мамлакатимиз ёшларини етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар бир педагогдан чуқур билим ва кўникма талаб этади. Шу боис уларнинг малакасини ошириш, иш фаолиятида замонавий дастурлар, янги таълим технологияларини жорий этиш бугуннинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Дил сўзи

Шунинг баробарида, устоз аталмиш улуг нома сазовор биз инсонларнинг жамиятимиз ҳаётидаги бекиёс хизматлари ҳам муносиб тақдирланётгани, шубҳасиз, уларнинг кучига куч, ишига унум бағишламоқда.

Ўтган 2011 йили ҳаётимда қувончли дамлар кўп бўлди. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами арасида «Шухрат» медалига лойиқ деб топилдим. Бу муқофот меҳнатимнинг

юксак даражада кадрлангани ҳамда юртимизда ўқитувчиларга берилаётган катта эътибор намунасидир. Президентимизнинг биз, мураббийларга кўрсатаётган ғамхўрликларини илм даргоҳларида яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси бизни тинимсиз изланиш ва интилишга давбат этади.

Раҳима ОЧИЛОВА,
Кармана туманидаги
22-умумтаълим
мактаби математика фани
ўқитувчиси.

Кичик бизнес:

ИМТИЁЗ ВА ЮКСАЛИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Исмоил» жон келажиги юлдузи» хусусий корхонамизда 50 бош қорамол парваришланмоқда, — дейди шахрионлик тадбиркор Малика Хусанова. — Мана, энди фаолиятимиз янада кенгайтирилган бўлди. Бизнес-форумда «Микрокредит-банк» томонидан бизнес лойиҳамизга 30

миллион сўмлик имтиёзли кредит берилишини тасдиқловчи сертификат олдим. Бу маблағга наслдор қорамоллар харид қилиб, иш ўринлари яратамиз.

Тадбир сўнгига Мустаҳкам оила йилида молия муассасалари томонидан ажратилаётган маблағлар эвазига ҳар бир маҳалла, чекка ҳудудларда хусусий тадбир-

корликни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва шу орқали аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтириш, айниқса, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар белгилан олди.

Одилжон ШОДМОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Наманганда ҳам шу мавзуда бизнес-форум ташкил этилди. Таъкидландики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмининг янада такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам ҳажминини ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технология янгилаш учун узоқ мuddатли кредитлар ажратишни кўпайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Масалан, Наманган шаҳридаги «Люкс плюс сервис» масъулияти чекланган жамияти «Асака» банкнинг 1 миллиард 350 миллион сўмлик кредити ҳисобидан тивувчиликни йўлга қўйган бўлса, «Наманган момик сочиқлари» МЧЖда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш лойиҳасини амалга оширишда «Агробанк»-

нинг 889 миллион сўмлик сармоясини қўл келди. «Миллий банк»нинг 560 миллион сўмлик кредити эса «Наманган резина пласт» корхонасида транспорт ленталари технологиясини ўрнатиш имконини берди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, энг аввало, шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир

Қонун ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ишчи-хизматчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ҳозирги пайтда юртимизда унинг ижросини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб бориламоқда. Пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

фуқаролар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

Шу ўринда ўтган йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан мазкур Қонуннинг Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги ижроси ўрганилиб, муайян тавсиялар берилганини айтиб ўтиш жоиз. Ўрганиш чоғида пойтахтдаги корхона ва объектларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши, ишчи-хизматчилар соғлиги ва хавфсизлиги нечоғли таъминлангани ҳамда касб касаллиги пайдо бўлиш эҳтимоли юқори бўлган корхоналарда фуқаролар ижтимоий ҳимоясига қаратилаётган эътибор масалалари чуқур таҳлил этилди. Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларда текшириш тадбирлари ташкил этилган. Шу билан бирга, 114 та бюджет ташкилотларида ўрганиш ишлари олиб борилад.

Таҳлил жараёнида Қонун ижроси билан боғлиқ айрим камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, ўтган йилда меҳнат муҳофазаси бўйича мингдан зиёд корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, 2 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Касба уюшмалари аралашуви билан уларнинг 98 фоизи бартараф этилди. Шу билан бирга, бу ҳолатлар юзасидан иш бериувчиларга 1087 та тақдимнома киритилди.

Шу ўринда ўрганилган аксарият корхона ва ташкилотларда иситиш ва совитиш тизимлари мавжуд эмаслиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда суст-кашлик қилинаётгани ва ходимларга доволлаш-профилактика хизмати кўрсатиш йўлга қўйилмагани ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида тузилган 2011 — 2013 йилларда аҳоли ва меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида келишув доирасида бундай камчиликларни бартараф этишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг V қурултойи ва Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши пленумида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, — дейди Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнат-

ни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Равшан Махаммадалиев. — Жумладан, пленумда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларга иш ўринларини яратиш борасидаги ишларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, нисбатан бахтсиз ҳолатдаги корхона ва объектларда транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, савдо ва хизмат кўрсатиш, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, ёнғилги-энергетика, кимё саноати ва геология корхоналарида бундай ҳолатларга йўл қўймаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўриломоқда. Айни чоғда берилмаган нафақалар ҳам касба уюшма ташкилотларининг доимий назоратига олинган.

Албатта, бундай хайри ишлар эътиборга сазовор. Аммо ҳар бир касба уюшмалари ташкилотлари раҳбари корхона ва ташкилотлардаги иш ўринларини рўйхатдан ўтказиш ёки содир бўлаётган бахтсиз ҳолатлар ҳисобини юритиш билангина банд бўлмасдан, бундай ҳолатларнинг олдини олишга кўпроқ аҳамият бериши масаланинг муҳим жиҳатидир. Бунинг учун, аввало, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари ва тасдиқланган битимларда меҳнат муҳофазасига катта эътибор қаратиш, айниқса, 50 нафаргача ходим меҳнат қиладиган жамоаларда меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимларни белгиллаш аниқ мuddадоир. Зеро, бу юқорида номи зикр этилган Қонуннинг талаби ҳамдир.

— Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсатида Тошкент шаҳри туманларида ҳокимликларнинг ушбу масалага масъул бошқарма ва бўлимлари ҳамкорлигида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан жорий йилнинг январь-февраль ойларига мўлжалланган ўқув-машғулотлари ўтказилмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу тадбирлардан қўзланган асосий мақсад, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузиш, меҳнат шартномалари яхшилаш, бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган иш ўринлари яратиш, касб касалликларига чалиниш ёки шикастланиш туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига тўла амал қилишни таъминлашдан иборат. Мазкур тадбирлар меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қўл келаяётгани билан, айниқса, эътиборга моликдир.

Мухтасар айтганда, юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани билан пойтахтимизда ҳам «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, ишчи-хизматчилар меҳнат муҳофазаси тўлиқ таъминланган экан, аҳоли фаровонлиги янада юксалади, иш унумдорлиги ошиб, меҳнат хавфсизлиги қафолатланади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

оиланинг турмуш тарзи юксалиб, хонадонлар фаровонлиги орттишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу боис 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида банк тизими томонидан ушбу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёш оилалар турмуш тарзини янада яхшилаш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу жараёнда, табиийки, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш тадбиркорлар, шунингдек, хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш масалаларига устуворлик берилади. Жумладан, жорий йил давомида тадбиркор аёлларга 15,3 миллиард сўмлик, касб-хунар коллежи битирувчиларига 1,6 миллиард сўмлик, хиз-

мат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 19,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилади. Бизнес-форумда бу борадаги долзарб вазифалар, шунингдек, аҳоли даромадларини ошириш ва оилалар фаровонлигини таъминлашда халқаро молия ташкилотлари, мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда бажариладиган ишлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилан олди.

Форум якунида республика тижорат банклари томонидан 5 та номинация бўйича голиб деб топилган 60 та лойиҳа муаллифларига 5,4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши бўйича сертификатлар топширилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бухоро вилояти «SHAD SAYDO ZAMIN» МЧЖ
очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2011 йил 27 сентябрдаги 1101-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро шаҳри, Т. Фароғий кўчаси ёқаси ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари қуриш учун ҳар бири 65 кв.м.дан иборат 18 та (бош режадаги 1-18) ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 570 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов голиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчиси — «SHAD SAYDO ZAMIN» МЧЖнинг Бухоро шаҳар «Ипотека-банк» Сардор филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига бюртманома берилшидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносидан 2012 йил 15 март куни соат 11.00 да очилади. 2012 йил 15 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 15 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 22, 29 март, 5, 12 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносидан савдо куну соат 11.00 да очилади ва шу куну соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманома хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этиди:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вақил қатнашганда, ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустиқиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия: ЯР-0048
Телефон: (8-365) 223-69-62.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ
2011 — 2012 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсим қилишга киришди

Вазирликлар, концернлар, вилоятлар ва туманлар ҳокимиятлари, автосаноат, автотранспорт ва автотеххизмат корхоналари, автоўйл ташкилотлари, касб-хунар коллежлари ва махсус автоматлаблар раҳбарларидан, «Ватанпарвар» ташкилоти бўлиналари, шунингдек, замонавий билимларга эга бўлган, компьютер технологияларини мукамал ўрганган, ҳар томонлама фаол битирувчиларимизга эҳтиёжи бўлган бошқа ташкилотлар раҳбарларидан битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида, жорий йилнинг 3 март куни «Карьера кунини» ўтказиш режаланганлиги сабабли бюртманомаларини 20 февралдан кечикмасдан 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳўчаси, 20-уй манзилга, (8-371) 232-14-98, 232-14-39 факсига ёки tadi_info@edu.uz электрон почтаманзилга контакт рекавизитларининг кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз.

Эътиборингизга битирувчилар тўғрисидаги маълумотни ҳавола қиламиз.

(Г-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида)

Т/р	Таълим йўналишлари	БАКАЛАВРИАТ																																
		Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари																																
		Жами		Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қорақалпоғистон Респуб-ликаси		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хораам		Бошқа Давлат		
Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш			
1.	Менежмент (транспорт)	16	62	3	1	0	2	0	2	6	30	2	3	0	1	0	2	0	0	1	3	0	0	1	7	2	6	1	5	0	0	0	0	
2.	Бинология ва иншоотлар қурилиши (транспорт)	33	58	0	0	0	4	1	0	11	17	5	13	0	2	2	3	1	2	3	5	3	1	2	6	2	3	2	1	1	1	0	0	
3.	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	10	31	1	1	1	0	1	1	2	5	3	12	0	0	0	1	2	1	2	1	2	0	4	0	1	0	3	0	1	0	0		
4.	Ер усти транспорт тизимлари ЕУТТ	38	133	2	3	0	5	0	6	7	28	5	22	0	0	0	0	0	4	7	22	3	3	7	19	3	10	1	5	3	6	0	0	
5.	Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш ТВИТ	47	182	2	5	0	12	3	6	10	36	6	32	1	3	3	4	2	7	9	11	1	8	4	28	2	8	2	5	2	16	0	0	
6.	Атроф-муҳит муҳофазаси	15	25	0	1	0	2	1	1	6	13	1	5	1	0	1	0	1	1	0	1	1	1	2	0	1	0	0	1	0	1	0	0	
7.	Сервис	10	16	1	2	0	0	1	2	2	7	0	2	0	0	0	1	0	0	1	1	0	0	1	1	2	0	1	0	1	0	0	0	
8.	Электротехника, электромеханика, электротехнологиялар	9	17	1	1	0	0	0	0	2	5	4	4	0	0	0	1	0	0	1	0	0	1	0	0	3	1	1	0	0	1	0	0	
9.	Касбга ўқитиш ЕУТТ	15	32	0	0	0	0	0	1	7	12	3	7	1	0	2	2	0	2	1	0	1	0	1	1	1	3	0	0	1	0	1	0	0
10.	Касбга ўқитиш ТВИТ	25	41	2	2	1	1	2	1	6	16	5	5	0	0	0	0	0	2	5	0	1	1	1	1	1	4	2	2	3	2	0	0	0
11.	Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (автоўйлар)	9	13	0	0	0	0	0	0	5	4	1	1	0	0	0	0	0	0	1	1	1	1	1	0	1	1	0	1	0	0	0	0	0
12.	Кўтаркиш, ташиш, йўл қурилиши машиналари	8	23	0	0	0	0	0	2	2	8	3	5	1	1	0	1	0	1	0	1	0	2	2	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Жами	235	633	12	16	2	26	9	22	66	181	38	111	4	7	8	16	3	16	26	58	10	21	72	16	38	9	22	11	29	0	1	0	0

Т/р	Таълим йўналишлари	МАГИСТРАТУРА																																			
		Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари																																			
		Жами		Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қорақалпоғистон Респуб-ликаси		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хораам		Бошқа Давлат					
Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш				
1.	Менежмент (автотранспорт)	2	6	0	0	0	1	0	0	2	4	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0			
2.	Маркетинг (автотранспорт)	2	5	0	0	0	0	0	0	2	4	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0		
3.	Йўл қурилиши машиналари	3	8	0	2	1	0	0	0	1	2	0	1	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0		
4.	Транспортда ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси	2	7	0	0	0	0	0	0	1	3	0	3	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0		
5.	Ҳаракатланиш хавфсизлиги ва уни ташкил этиш	1	4	0	1	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	1	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0		
6.	Автомобиллар ва автомобиль ҳўжалиги	3	8	0	0	0	0	0	0	2	3	0	1	0	0	1	1	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0		
7.	Ички ёнув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш	2	3	0	0	0	0	0	0	1	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	0	1	0	0	0	0	0	0		
8.	Автомобиль йўллари	4	9	0	0	0	0	0	0	1	4	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	3	2	0	1	0	1	0	1	0	1	0	0	0	
9.	Кўприклар ва транспорт тоннеллари	2	6	0	0	0	0	0	0	0	5	2	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
10.	Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси ТВИТ	2	2	0	0	0	0	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	1	0	0	0	
11.	Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси ЕУТТ	1	4	0	0	0	1	0	0	0	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
12.	Химмотология	2	4	0	0	0	0	0	0	2	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
13.	Автосервис	2	7	0	3	0	0	0	0	2	0	0	1	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	2	0	0	
14.	Халқаро юк ташиш ва транспорт логистикаси	2	6	0	2	0	0	0	0	2	2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
	Жами	30	79	0	8	1	2	0	1	17	33	2	8	0	0	2	1	0	2	0	3	0	6	5	1	3	1	2	1	5	0	0	0	0	0	0	

«REPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чўлпон номидаги нашрийёт-матбаа ижодий уйининг (НМИУ) 2010 йил 19 февралдаги 10-сонли ва 2011 йил 17 июндаги 11-сонли буйруқларига асосан, Чўлпон номидаги НМИУга тегишли, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

- «ПАЗ-672» русумли, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 403 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 987 401 сўм.
- «ГАЗ-52» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 402 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 136 827 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 март куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2012 йил 28 февраль куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 2 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 5 ва 7 март кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2012 йил 5 мартдаги такрорий савдо учун 2012 йил 2 март куни соат 18.00; 7 мартдаги савдо учун 5 март куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТВ «Ипак йўли» банки «Сарбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмасор тумани, 1-Қорақамш к., 1-«А» уй.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧ

Дунё нигоҳи

Германиянинг йирик радиостанцияси — "Deutschlandfunk" "Жозибодорлик сеҳри. Ўзбекистон Буюк Ипак йўлида" руқни остида мамлакатимизга бағишланган радиозашиттиришни эфирга узатди.

Германия жамоатчилигида ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, юртимизнинг бетакрор сайёҳлик салоҳиятига нисбатан қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Немис оммавий ахборот воситаларида республикамиздаги тарихий обидалар ва сайёҳлик индустрияси тараққиётига доир мақолаларнинг мунтазам эълон қилиниши мазкур фикрни яққол тасдиқлайди.

«Deutschlandfunk»:

МАФТУНКОР ЮРТ СЕҲРИ

Сухандон эшиттиришни бошлар экан, Ўзбекистон нафақат ниҳоятда жозибодор ва гўзал мамлакат, балки саёҳат учун ҳам мулқоқ тинч ва осойишта ўлка эканлигини алоҳида таъкидлади.

Эшиттиришда Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг маҳобати Самарқанддан бошлаб атрофлича тасвирланган бўлиб, у ҳар бир тингловчини хаёлан мезморий ёдгорликларнинг жозибодор дунёсига фарқ қилади ва ўрта асрлар даври йўллари бўйлаб ўзига хос саёҳатга чорлайди. Тингловчилар кўз олдига дунёнинг деярли барча нуқталаридан келувчи сайёҳларни мафтун этадиган кўплаб бетакрор мезморчилик обидалари намён бўлади.

"Самарқанддаги Бибихоним масжидининг ташки томонидagi яшил-феруза рангли кошлар нақшидан инсон кўз узолмай қолади. Шарқ мезморчилигига хос бу маҳобат баландлиги кирк метрдан ортик бўлган гўмбазда ҳам намён бўлади. Масжид ислом дунёсидagi энг йирик мезморий иншоотлардан бири ҳисобланиб, у 1399 — 1404 йилларда Амир

Темур томонидан бунёд этилган, деяр ҳикоя қилади сухандон.

Унинг таъкидлашича, "Бу афсонавий иншоот Самарқанддаги қатор маҳобатли бинолардан бири ҳолос. Ранг-баранг безаклар билан сайқал топган ҳашаматли саройлар, мақбара ва мадрасалар ислом маданиятининг турфа хиллиги ҳамда кўп қирраллигидан далолат беради. Самарқанднинг ушбу тарихий обидаси яхши ҳолда сақланган. Шаҳардаги тарихий осориётларнинг аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда, таъмирлаш ишлари шу қадар пухталиқ билан олиб борилгани, уларни кўрган киши наҳотки бу иншоотларнинг кўҳна индизлари узоқ асрларга бориб тақалади, деяр ўзига савол беради".

"Deutschlandfunk" мазкур қадимий шаҳар афсонавий Ипак йўлидаги аҳоли манзилларидан бири бўлгани ва тарихда бу ердан туя қаровонлари кейинги шаҳар — Бухорога етиб бориш учун саҳро бўйлаб қарийб етти кун йўл юрганидан ўз тингловчиларини воқиф қилади. Ҳозир сар ва масофани бир неча соатда босиб ўтиш мумкин.

"Бухоро ҳам Буюк Ипак йўлидаги йирик савдо шаҳри бўлиб, у ўзининг кўп сонли қарвонсаройлари билан дунёга машҳур эди. Савдогарлар туяларга ортилган моллари билан ана шу қарвонсаройларда тўхташган.

Кўҳна Бухоро Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган. Рус савдогарлари бу ерга идиш-товоқ ва тўқимачалиқ маҳсулотлари, ҳинд тўқимачилиқ маҳсулотлари, ҳинд тўқимачилиқ маҳсулотлари эса чой ва тери олиб келишган. Ипак ҳамда ипак маҳсулотлари Хитойдан келтирилган. Савдо-сотик ишлари усти ёпиқ бозорлар — тимда олиб борилган", деяр хабар қилади "Deutschlandfunk".

Эшиттиришда бу шаҳар гилам-севарлар учун ҳам алоҳида аҳамиятга молик эканлиги тилга олинди. "Туя терисидан тикилган ва турли-туман нақшлар билан безатилган Бухоро гиламлари Европада юксак қадрланади. Бу ерда эса уларни танлаш имкониятлари жуда катта. Айниқса, Тими Абдуллоҳондаги гиламлар ўзининг ранг-баранглиги билан кўзни қувонтиради. XVI асрда қурилган Тими Абдуллоҳон деворларида турли



1990 йили Хиванинг эски шаҳар қисми Ўзбекистоннинг барча бетакрор обидалари ичида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. "Тор кўчалар кўҳна уйлар ёнидан ўта бориб, мақбара, сарой ва масжидларга олиб чиқади. Бу ерда адашиб қолиш мумкин эмас, чунки барча йўллар маҳобатли кўҳна шаҳар деворига олиб боради..."

Улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон жаҳон сайёҳларига Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврларга оид бебаҳо мезморий обидаларни тақлиф қилиши эътиборга сазовор эканлиги ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизга келаятган дунё сайёҳларининг сони илдан-илга ўсиб бораётгани алоҳида таъкидланади. "Хусусан, биргина Хива шаҳрининг ўзига 2011 йили ўн минглаб сайёҳлар келди", дейди сухандон.

1990 йили Хиванинг эски шаҳар қисми Ўзбекистоннинг барча бетакрор обидалари ичида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. "Тор кўчалар кўҳна уйлар ёнидан ўта бориб, мақбара, сарой ва масжидларга олиб чиқади. Бу ерда адашиб қолиш мумкин эмас, чунки барча йўллар маҳобатли кўҳна шаҳар деворига олиб боради..."

Хива ўзининг бетакрор ёғоч ўймакорлиги санъати билан дунёга машҳур эканлиги ҳам журналист эътиборидан четда қолмаган. Хивалиқ хунармандлар кўл меҳнатига асосланган халқ амалий санъатининг кўҳна анъаналарини асраб-авайлаб келаятгани ҳолда, уларни ёш авлод вақилларига ўргатишаётгани ҳам унинг назаридан четда қолмаган. "Ушбу кўҳна шаҳар ёшлари гулли ва геометрик нақши сопол идишлар тайёрлаш, ёғочга ўйма нақш солиш сингари миллий хунармандчилик сир-асрорларидан сабоқ олишарди", дейди "Deutschlandfunk".

«Жаҳон» АА. Берлин

МАДАНИЯТ

хабарлари

Аждодлар мероси эъзозда

Пойтахтимизда "Аждодлар мероси — авлодлар фаҳри" деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 529 йиллиги бағишланган ушбу тадбирда Камолитдин Бехзод мемориал боғ музейи фондида сақланаётган миниатюра асарлари билан бир қаторда замонавий миниатюрочи рассомлар, шунингдек, санъат йўналишида таҳсил олаётган истеъдодли талабаларнинг ижод намуналари ҳам намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, кўргазмада ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вақили Бобур лирикиси асосида чизилган асарлар билан бирга, газал ва ҳикматли сўзлар битилган хаттотлик ишлари ҳам ўрин олган.

М. КАРИМОВА.

Дўстлик тароналари

Тошкент Фотосуратлар уйида "Дўстлик тароналари" деб номланган бадий кеча бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Бадий академияси, Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Халқаро маданий қарвонсаройи ҳамкорлигида Ўзбекистон — Япония дипломатик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилди. Унда Халқаро маданият қарвонсаройи қошида ташкил этилган "Буюк Ипак йўли наволари" мумтоз мусиқа тўғарагининг хаваскор қатнашчилари ижросида концерт дастури ҳам намойиш этилди.

С. АСТАНОВ.

«Зар-ла тиккан зардўзим»

Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Зар-ла тиккан зардўзим" номли кўргазма очилди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда бухоролик зардўз Маҳфуза Салимова яратган амалий санъат асарлари намойиш қилинмоқда.

М. Салимова ўз ижод намуналари билан дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Швейцария, АҚШ, Хитой, Япония, Англияда ташкил этилган нуфузли анжуманларда қатнашиб, ўзбек амалий ва Бухоро зардўзлик санъати жозибасини намойиш қилиб келади. Унинг коллекциясидан зардўзи дўппилар, нимча, эркаклар ва аёллар зарбоф тўнлари, оёқ кийимлари, уй-рўзғор буюмлари, шунингдек, катта-кичик паннолар ўрин эгаллаган.

О. БУРҲОНОВА.

Реклама ва эълонлар

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибиди ўтказиладиغان очик аукцион савдосига тақлиф этади! I. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2010 йил 3 августдаги 1-3176/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчаси, 14-«А» уй, 71-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 82,96 кв.м., яшаш майдони 53,96 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонаси, ҳожатхона, ошхона, айвон, ҳаммом, дахлиздан иборат уй. Бошланғич баҳоси — 51 000 000 сўм.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси охири бориш тартибиди ўтказиладиغان очик аукцион савдосига тақлиф этади! I. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалиқ судининг 2011 йил 7 октябрдаги 19-1106/11895-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Авест-Экспресс» корхонасига тегишли, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Муस्ताқиллик кўчасида жойлашган бир қаватли, умумий майдони 1111,36 кв.м. бўлган «В» литердаги омборхона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 19 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлиқ вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 2 март куни соат 18.00.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини курсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Курساتилаётган хизматлар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Хўрматли юртдошлар! «АСАКА» банки (ОАЖ) миллий валютадаги янги муддатли омонат турларини тақлиф этади. «ТАЛАБА-2012» Сақланиш муддати — 3 йил. Фоизлар ҳар 6 (олти) ойда ҳисобланиб, талабаларнинг шартнома асосида ўқишлари учун йўналтирилади. «ТЕЖАМКОР» Сақланиш муддати — 1 йил. Фоизлар ойма-ой ҳисобланиб, коммунал тўловларга (электр энергияси, газ, иссиқ сув таъминоти, совуқ сув, телефон) йўналтирилади. Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5